Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 7 май, № 94 (8156) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 май куни электр техникаси саноатини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Охирги беш йилда ушбу тармоқда 465 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 163 та янги лойиҳа ишга туширилган. Ишлаб чиқариш ҳажми 4 баробар, экспорт эса 3 баробарга ошган. Энг муҳими, иш ўринлари сони 2 баробар кўпайиб, 32 мингтага етган.

Шу билан бирга, бу соҳада тўла фойдаланилмаётган имкониятлар ҳали кўп. Тараққиёт стратегиясида 2026 йилга қадар электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини яна 2 баробарга, экспортни 3 баробарга ошириш мақсади белгиланган.

Йиғилишда шу борадаги муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Хусусан, жорий йилда 250 миллион долларлик 86 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари аҳоли талаби ва импорт таркибини ўрганиб, шунга мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш, вилоятлар кесимида янги лойиҳаларни шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Юртимизда янги конлар топилиб, мис захираси кенгайтирилмоқда. Келгуси йилларда мис ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар ошириш ҳисоб-китоб қилинган. Бунга асосланиб, Оҳангарон туманидаги янги мис кластерида 168 миллион долларлик 12 та лойиҳа доирасида 90 минг тонна мисни қайта ишлаш қуввати яратилади. Бу кластерга аъзо корхоналарга мисни узоқ муддатли контракт асосида, биржа нархларидан чегирмалар билан харид қилиш имкони берилади.

Президентимиз ушбу кластернинг ташкилий, молиявий жиҳатлари бўйича кўрсатмалар берди.

Маълумки, мамлакатимизда муқобил энергетика ривожлантирилмоқда. Бу соҳадаги янги лойиҳаларда камида 1 миллиард долларлик бутловчи қисмларга талаб бор. Бундан фойдаланиб, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Ижтимоий муассасаларда муқобил энергияда ишлайдиган сув иситиш тизимлари ҳамда кўчаларда қуёшдан қувват оладиган ёритиш мосламаларини ўрнатиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Электр техникаси соҳасида экспорт имкониятлари ҳам катта. Масалан, қўшни давлатлар ҳар йили кўп миллиард долларлик электротехника маҳсулотлари харид қилади. Лекин бунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарлар улуши катта эмас.

Бу тармоқда экспорт ҳажмини жорий йилда 700 миллион долларга, келгуси йилда эса 1 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда маиший техника мисолида божхона ҳудудида қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш топшириғи берилди.

Соҳага инновацияларни жорий этиш ҳамда экспортни кенгайтириш учун Электротехника жамғармасига 20 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Мутасадди идораларга ички бозорга сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш, маиший техникалар маркировкаси тизимини жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ҳузурида Лойиҳалаш ва инжиниринг маркази, “Ўзэлектроаппарат”, “Технопарк”, “Артель”, “Узкабель” корхоналари негизида изланиш ва ривожлантириш марказлари (Research and development) ташкил этиб, уларга малакали хорижий ва маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси уч йилда тармоқ учун 4 минг нафар олий ва 14 минг нафар ўрта маълумотли мутахассислар зарурлиги қайд этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига электротехника бўйича ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Тошкент шаҳридаги Радиотехника коллежи, Самарқанд ва Чирчиқ хизмат кўрсатиш техникумлари, Фарғона электротехника коллежи “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига бириктирилди.

ЎзА.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

“Аждодларимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати, фронт ортидаги метин матонати ҳеч қачон унутилмайди”.

“Фақат бирдамлик ва ҳамжиҳатлик орқали ҳар қандай қийинчиликни, машаққатни енгиб ўтиш мумкин экан”.

“Бугун шу тинч ҳаётни асрашимиз, унинг қадрига етишимиз керак”.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасини сайр қилган киши борки, ана шу ҳақиқатларни янада чуқур англаши, шубҳасиз.

Ғалаба боғи концепцияси давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тасдиқланди. Мажмуанинг бадиий-меъморий концепциясини тайёрлашда Президентимизнинг 2017 — 2019 йилларда қабул қилинган Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари талабидан ҳам келиб чиқилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимлардаги маърузаларида билдирган ғоя ҳамда фикрларига таянилди. Концепцияни ишлаб чиқишда етакчи музейлар ва маданият муассасалари, тегишли вазирлик ва ташкилотлар, кенг илмий-ижодий жамоатчиликдан келиб тушган амалий таклиф ҳамда тавсиялардан ҳам фойдаланилди. Бундан ташқари, бир қатор хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси, уларда шу йўналишда барпо этилган боғ ва хиёбонлар, монументлар, мемориал мажмуалар ижодий ўрганиб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу борадаги лойиҳалар билан бир неча бор атрофлича танишди. Мажмуанинг мураккаб композициясидан тортиб, ҳатто унинг тарҳидаги кичик деталларгача Президентимизнинг синчков нигоҳидан ўтди, бойитилди. Бошқача айтганда, ўша суронли йиллар манзарасини очиб беришга хизмат қилувчи ҳолат ва жараёнларни ёркин акс эттирадиган ўзига хос меъморий ансамбль яратилди.

Шундан сўнг Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 14,7 гектар жой ажратилиб, улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари қисқа вақт ичида амалга оширилди. Бу улкан тарихий мажмуани, айниқса, пандемия сабабли жорий этилган карантин шароитида якунлаш осон бўлгани йўқ, албатта. Лекин барча қийинчиликларга қарамасдан, моҳир қурувчи ва меъморлар, муҳандислар, турли соҳа мутахассислари, рассом ва ҳайкалтарошлар, азамат ёшларимиз бу вазифани ўзлари учун савобли иш деб билиб, туну кун фидокорона меҳнат қилди. Шу тариқа азим пойтахтимизда 2020 йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш доирасида Ғалаба боғининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

4

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ҲАРАКАТИ 30 ЁШДА

Осиё Олимпия кенгаши Ижроия қўмитасининг 77-йиғилиши доирасида пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ташкил этилганлигининг 30 йиллик тантаналарига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз спорт ҳаётида муҳим сана бўлган ушбу анжуманнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Миллий олимпия қўмитаси ва олимпия ҳаракати аъзоларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди.

Шундан сўнг «Уйғониш» мусиқий композицияси остида юртимизда олимпия ҳаракати ва МОҚ фаолиятига бағишланган видеотасвир намойиш қилинди.

Байрам шодиёналари давомида турли номинацияларда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра, «Олимпиадаларда энг кўп медаль келтирган федерация» номига Ўзбекистон бокс федерацияси, «Олимпия рекордчиларини тарбиялаган федерация», дея Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси, шунингдек, «30 йилликда узлуксиз медалларни қўлга киритган ассоциация» шарафига Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси сазовор бўлди.

Маълумки, юртимиз олимпиячиларининг халқаро майдонда эришган шонли ғалабалари нафақат қитъа спортида, балки жаҳон миқёсида ҳам ҳамиша қайд этиб келинади.

Ўтган 30 йиллик олимпия ҳаракати давомида Ватанимиз олимпиячилари 7 та ёзги ва 8 та қишки олимпия ўйинларида мустақил Ўзбекистон спорт жамоаси сифатида иштирок этиб, умумий ҳисобда 39 та медаллар шодасига эга чиққан. Ўзбекистон номини, ҳур байроғимизни жаҳон майдонлари узра юксалтирган. Эътиборлиси, олимпия ўйинларидаги медалларнинг 13 таси олтин бўлганлиги ўзига хос тарихий аҳамиятга эга муждадир.

3

САРМОЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК

У НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Мамлакатимизда бирмунча вақт муқаддам Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганидан сўнг ҳар бир соҳа тубдан ислоҳ этилди, унинг доирасида кенг кўламли демократик ислоҳотлар амалга оширилди. Қонун устуворлигини таъминлаш, барча тармоқда рақобатни ривожлантириш, коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш каби муҳим йўналишларда мисли кўрилмаган ишлар рўёбга чиқарилди.

Нуқтаи назар

Президентимизнинг тегишли Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида махсус “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистонга жалб этилаётган ҳар қандай хорижий инвестициянинг маълум бир қисмини малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтириш белгиланди.

Сир эмас, ҳеч бир соҳа ўз-ўзидан ривожланиб қолмайди. Бунинг учун қулай шарт-шароит зарур бўлади. Бу борада эса муаммо йўқ. Қайси тизим бўлмасин, барчаси бўйича қулай имкониятлар яратиб берилди, десак, муболаға эмас.

Тан олиш керак, дастлаб мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг суръатига мос илғор кадрлар етишмасди. Бу ўринда гап минглаб кадрлар ҳақида боряпти. Натижада замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига эътибор кучайтирилди. Чунки бу мамлакат келажаги, бизнинг эртанги кунимиз билан боғлиқ масала эди.

Шу нуқтаи назардан, аввало, таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилгани барчамизга яхши маълум. Янгидан-янги маҳаллий университетлардан ташқари, хорижий олий таълим муассасалари филиаллари ташкил этилди, Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишлари бошланди.

Кадрлар сиёсати эскисидан фарқланади

Эътиборлиси, хориждаги ўзбекистонлик мутахассислар мамлакатда инвестиция бозорини ривожлантиришга кўмак беришлари мумкин эди ва ҳақиқатда шундай бўлди ҳам.

Кадрлар сиёсати эскисидан буткул фарқланади. Бу сиёсат қариндош-уруғчилик тамойилларига асосланмайди. Бугун АҚШ, Буюк Британия, Япония каби дунёнинг етакчи давлатларида бўлгани каби банк, консалтинг, суғурталаш, илм-фан, таълим, давлат хизмати, тиббиёт, ахборот технологияси ва логистика йўналишида юксак салоҳиятли кадрларга таянилмоқда.

3

Миллий комиссия йиғилиши

НАТИЖАЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Кеча Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Миллий комиссия аъзолари, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашган тадбирда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида 2021 йилда амалга оширилган ишлар, кўрилган чоралар, соҳада сақланиб қолаётган муаммолар ҳамда 2022 йилга режалаштирилган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида 2021 йилда амалга оширилган ишлар ва соҳада мавжуд муаммолар юзасидан давлат раҳбарига йиллик ахборот киритилгани маълум қилинди.

Олий Мажлис Сенати ҳамда миллий комиссия Раиси Танзила Норбоева томонидан мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳасида, жумладан, болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш борасида аниқ натижаларга эришилгани алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, бу борадаги миллий қонунчиликни ва ташкилий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, халқаро стандартларни имплементация қилиш, институционал асосларни янада ривожлантириш, соҳадаги ишлар натижадорлигини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларнинг ечимига тизимли ёндашиш, шу билан бирга, фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

2

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ НАМОЯНДАЛАРИ — ҚАШҚАДАРЁДА

Биз барпо қилаётган янги Ўзбекистондаги тарихий ўзгаришларнинг одамлар ҳаётига ижобий таъсирини санъат, маданият ва маънавият орқали етказишнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Шу маънода, Қашқадарё вилоятида 5 — 15 май кунлари бўлиб ўтадиган “Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт” шиори остидаги маънавий-маърифий ҳамда кўнгилочар тадбирларда пойтахтдан 200 нафардан зиёд таниқли маданият ва санъат намояндалари, олимлар, шоиру ёзувчилар қатнашаётгани воҳа аҳлини ғоят мамнун этаётир.

Маънавият

Вилоятдаги маҳаллаларда ўтаётган кўнгилочар учрашув ва ҳаяжонли мулоқотларда 10 дан ортиқ миллий фильмлар намойиш қилинмоқда. Бу жараёнда тоғли, чекка ва олис қишлоқлар аҳолисининг ушбу фильмлар актёрлари, режиссёр ва сценарий муаллифлари билан юзма-юз суҳбат ҳамда мулоқотлари уюштирилаётир. Жойларда кино санъатининг олтин фондидан ўрин олган киноасарлар тақдимоти ҳам ўтказилмоқда. Таниқли санъаткорлар ижросидаги жозибали куй-қўшиқлар рақсларга уланиб кетяпти.

3

АГРАР СОҲАНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Иқлим ўзгариши, қурғоқчилик, табиий офатлар, коронавирус пандемияси ва дунёда кечаётган бошқа муаммолар туфайли сайёрамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш кечиктириб бўлмас даражадаги муҳим мавзуга айланди. Сайёрамизда кечаётган мураккаб ва таҳликали давр аграр соҳанинг ҳал қилувчи ўрни ва аҳамияти муҳимлигини яққол кўрсатиб берди. Ўзбекистонда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, соҳада янги иш ўринлари яратиш, манфаатдорликни янада ошириш, илғор ёндашувларни жорий этиш энг муҳим масалага айланди.

Чорвачилик

Шунинг учун ҳам юртимизда иқтисодиётни, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, фермер, кластер ҳамда кооперацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ аҳамият қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғига бозор механизмлари, жумладан, агрокластер тизимининг жорий этилгани қисқа фурсатда ўзининг ижобий самарасини берди. Айни пайтда чорвачиликда наслчиликни яхшилаш, зотдор чорва молларини кўпайтириш, ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини ривожлантириш, ушбу соҳага давлат томонидан субсидиялар ажратиш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Халқимизни арзон ҳамда сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтиришда бу соҳа муҳим ўрин тутади. Ҳудудлардаги ишларнинг ҳозирги ҳолати чорвачилик тармоқ корхоналарини қўллаб-қувватлаш, озуқа базасини кўпайтириш, наслчилик ва сунъий уруғлантиришни ривожлантириш, наслчилик хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Бинобарин, 2022 йил 31 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан Самарқанд ветеринария медицинаси институти негизида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ташкил этилиши соҳани ривожлантириш, чорва ҳайвонлари наслчилигини яхшилаш, соҳада етук ва инновацион кадрларни тайёрлаш йўналишидаги муҳим ҳужжат бўлди. Бу, бир томондан, жамоамиз учун катта масъулият ҳамда талаб бўлса, иккинчи томондан, соҳа учун малакали ва етук кадрлар тайёрлашда улкан имкониятлар эшигини очади.

3

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2022 йил 7 май

НАТИЖАЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

1

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўёбга чиқарилган кенг кўламли ишлар, хусусан, соҳага бозор тамойиллари кенг татбиқ этилиши ва меҳнат қонунчилиги устидан самарали назорат ҳамда мустақил мониторинг олиб борилиши пахтачиликда тизимли мажбурий меҳнат ҳолатларининг тўлиқ олди олинишига замин яратди.

Мамлакатимизда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда.

Хусусан, АҚШ Давлат департаменти томонидан 2021 йил учун эълон қилинган Жаҳонда одам савдоси тўғрисидаги йиллик маърузада Ўзбекистон алоҳида кузатув остидаги давлатлар рўйхатидан чиқарилиб, халқаро стандартларни тўлиқ бажариш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошираётган давлатлар рўйхатига киритилган.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Ўзбекистонда 2021 йилги пахта йиғим-терими мавсумида ҳам тизимли болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан умуман фойдаланилмагани тўғрисидаги якуний хулоса ҳамда шу йўналишдаги мониторинг ишлари якунлари тўлиқ Ўзбекистон томонига топширилганлиги эълон қилинди.

Ўз навбатида, йиғилишда “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтасига қўйилган глобал бойкот бекор қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигининг ёрқин мисоли бўлгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда шу каби ютуқлар баробарида, муайян камчиликлар борлиги ҳам келтирилди. Хусусан, 2021 йилда давлат меҳнат инспекцияси томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида 75 та мажбурий меҳнатга йўл қўйиш ҳолати аниқлангани танқид қилинди. Масалан, халқ таълими тизимида 34 та, соғлиқни сақлашда 9 та, транспорт соҳасида 5 та, ободонлаштириш корхоналари фаолиятида 6 та, тадбиркорлик ва қурилишда 5 та, банк ва молия соҳасида 4 та ана шундай ҳолатлар қайд этилган. Қолаверса, 5 та ҳолатда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари мутахассислари аралашуви билан мажбурий меҳнатга йўл қўйилган.

Бунга мисол қилиб бир неча кун илгари маҳаллий интернет-нашрларда Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани, Қорақамиш 2/4 даҳасида Жамоат хавфсизлиги университети талабалари мажбурий меҳнатга жалб этилгани юзасидан ахборот эълон қилинганлигини келтириш мумкин.

— Журналист ва блогерларга жойлардаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда, жамоатчилик назоратини олиб боришда кўрсатаётган ёрдами учун миннатдорлик билдирамиз, — деди Т. Норбоева. — Айрим мутасаддиларнинг эса ҳамон эскича фикр, эскича қарашлар билан юрганлиги ачинарлидир. Бу Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатга зид ҳисобланади. Шу ўринда интернет-нашрларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлган воқеа жойига чиқиб ўрганилгани ҳамда университетнинг мутасадди ходимларига нисбатан интизомий чора кўрилганини айтиб ўтиш зарур. Бугун барчамиз шуни теран англашимиз керакки, бундай ҳолатлар битта бўлса ҳам кўп. Шу боис мазкур ҳолатларга тўла барҳам беришимиз ва мутасаддилар масъулиятини янада оширишимиз талаб этилади.

Давлат меҳнат инспекторлари сони халқаро талабга жавоб бермаслиги, уларнинг режалаштирилмаган текширувни ўтказиш ҳуқуқига эга эмаслиги тармоқларда меҳнат қонунчилиги талабларига тўлиқ риоя этилишини тезкор ўрганиш имкониятини бермаётганлиги ҳам иштирокчилар томонидан алоҳида айтилди.

Бу муаммони бартараф қилиш ҳамда соҳани такомиллаштириш мақсадида Президент Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, уни бугунги кун талаби асосида такомиллаштириш ва Ҳукуматга киритиш лозимлиги ҳам устувор вазифалардан бири сифатида илгари сурилди.

Тадбирда миллий комиссия таркибидаги Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссияга раҳбарлик қилаётган Ички ишлар вазирлиги, Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссияга раҳбарлик қилаётган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудий комиссиялари раислари ҳисобланган вилоятлар ҳокимларининг ахборотлари эшитилди.

Шунингдек, миллий комиссия томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган “2021 йилда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотда билдирилган таклифларни амалиётга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”)” лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.

Жойларда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳудудий комиссиялар ҳисоботлари ҳам эшитилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилиниб, истиқболдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Фикр

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА КУЗАТИБ БОРИЛАДИ

Жорий йилда Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида агрохизматлар маркази ташкил этилиб, уларда 100 дан ортиқ хизматлар йўлга қўйилади. Бу марказларда замонавий лабораториялар қурилади, хорижий мутахассислар келиб ишлаши учун имконият яратилади. Энг муҳими, лойиҳалар бўйича маблағларни бошқариш, ерлар ва экинлар ҳисоби, суғориш ишлари ҳамда ҳосилдорлик электрон тарзда кузатиб борилади.

Президентимиз яқинда қишлоқ хўжалигида лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда таълим сифатини яхшилаш масалалари юзасидан ўтказган йиғилишда шу ҳақда айтиб ўтди. Эътиборли жиҳати шундаки, йиғилишда давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигида умумий қиймати 400 миллион долларлик 580 та янги лойиҳа шакллантирилганини, лекин кредитлар муддати қисқалиги ёки мутахассислар етишмаслиги сабабли уларни амалга ошириш кечикаётганини кўрсатиб ўтди.

Хўш, бу муаммони қандай ҳал қилса бўлади?

Бунинг учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига лойиҳаларни ўзи ишга тушириб, лизинг асосида сотиш ваколати юклатилди. Хусусан, жорий йилда 6 та вилоятда қарийб 2 минг гектар интенсив боғ ва токзорлар барпо этилиши, жами 115 минг тоннали 17 та кичик агрологистика маркази ишга туширилиши режалаштирилган. Уларни тадбиркорларга тайёр ҳолда, лизинг асосида сотиш бўйича Президент тегишли ташкилотларга топшириқ берди.

Йиғилишда соҳада хизматларни ривожлантириш, экинлар ҳосили ва сув сарфини онлайн мониторинг қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳар бир вилоят кесимида алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқиб, уларнинг ижросини жойида ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантиришда илм-фанга чуқурроқ ёндашиш зарурлигини таъкидлади. Соҳа учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган Тошкент давлат аграр университетига 17 миллион доллар кредит ва грант жалб қилинган. Бунинг ҳисобига университет лабораторияси 129 турдаги замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланади, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, механизация, озиқ-овқат саноати каби 20 та йўналиш бўйича янги тажриба участкалари ташкил этилади, хорижий мутахассислар жалб қилинади. Аммо соҳа учун ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашга катта эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун олий таълим билан коллеж ва техникумларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш керак. Шу боис мутасадди вазирликларга ўрта махсус ўқув дастурлари, дарсликлар ва амалиёт тизимини соҳа корхоналари талаблари асосида қайта кўриб чиқиш вазифаси топширилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги муҳим тармоқ ҳисобланади. Президентимиз соҳани янада ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва халқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қоплаш ҳақида қайғураётган экан, бу долзарб вазифани барча бўғиндаги раҳбарлар сидқидилдан бажариши лозим. Зотан, тўкинлик ва маъмурчилик бор юртда барака бўлади.

Барно МИРЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Семинар

ЮРТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ ОСОЙИШТАЛИГИ

ЙЎЛИДА УМРИНИ БАХШИДА ЭТГАН ИНСОНЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗГА МУНОСИБ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийларни эъзозлаш — Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири” мавзуида семинар ташкил этилди.

“Галаба боғи” ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган анжуманда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов, мудофаа вазири ўринбосари Ҳ. Қаршиев, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги, Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетлари профессорлари, ҳарбий хизмат фахрийлари ҳамда тегишли давлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Сенатор ўз чиқишида Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 77 йиллик шонли байрами хусусида сўз юритар экан, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз учун жанггоҳларда қон кечган ота-боболаримизнинг мардонавор жасорати хусусида алоҳида тўхталди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларига доир тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Натижада янги маълумотлар ва рақамлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин кишилар урушга сафарбар қилингани аниқланди, яъни ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган. Йиллар давомида 451 минг нафар юртдошимизнинг номи ва тақдири эътибордан четда қолиб келган.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиғи ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим”.

Семинар иштирокчилари томонидан юрт равнақи ва халқ осойишталиги йўлида умрини бахшида этган инсонлар ҳамиша эъзозга муносиб эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«Халқ сўзи».

ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ОШАДИ

Шу йил 5 май куни Президентимиз раислигида тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Аслида ҳам бу соҳалар инсон соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолишда “олтин соат” оралиғида биринчи ёрдам кўрсатувчи муҳим бўғиндир. Сўнгги беш йилда бу йўналишларнинг моддий таъминоти ва кадрлар салоҳиятини яхшилаш бўйича кўп янгиликлар қилинди.

Муносабат

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам бор. Улар ҳақида 18 март куни давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотида айтилган эди.

Мисол учун, ўтган йили тез тиббий ёрдам бригадасининг кечикиб келиши бўйича 50 мингдан зиёд шикоятлар келиб тушган. Бунинг сабабларидан бири — соҳада ягона бошқарув йўлга қўйилмаганидадир. Жумладан, тез тиббий ёрдам ходимини ишга тайинлаш, дори-дармон таъминоти, транспорт, ёнилғи ва ҳайдовчилар масаласи вилоятдаги турли бошқармалар ваколатида. Бошқарувдаги бундай чалкашликлар эвазига тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш туман ҳудуди билан чекланган. Тез ёрдам станцияси қўшни туман билан чегарадош бўлса-да, бошқа ҳудуд деган важ билан чақирувни қабул қилмайди.

Тез тиббий ёрдам машиналарининг кўпида навигация жиҳозлари йўқлиги, 10 мингта кўчага ҳалигача ном ва 500 мингга яқин уйларга рақам қўйилмагани сабабли манзилни топишга кўп вақт кетмоқда.

Тизимдаги энг катта муаммо — шошилинч ёрдам бемор учун энг яқин тиббиёт муассасасида эмас, балки фақатгина олдиндан бириктирилган саноқли шифохоналарда кўрсатилади. Шу боис тез тиббий ва шошилинч ёрдам тизимини такомиллаштириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Йиғилишда ушбу дастурдаги асосий янгиликлар, уни амалга ошириш борасидаги вазифалар кўрсатиб ўтилди. Хусусан, жорий йил 1 июлдан ягона вертикал бошқарув асосида “103” Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоят филиаллари ташкил этилади. Бунинг натижасида энди тез тиббий ёрдам кўрсатиш бир туман ҳудудида эмас, балки Тошкент шаҳри тажрибаси асосида, масофага қараб бутун вилоят бўйича йўлга қўйилади.

Туманларда чақирувларни қабул қилиш диспетчерлик хизмати тугатилиб, вилоятларда ягона Call-марказ тузилади. Call-марказда операторлар билан бирга алоҳида тиббиёт-маслаҳат бригадаси фаолият олиб боради. Шунингдек, вилоят Call-марказларига тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд хусусий клиникалар ҳам уланиши мумкин бўлади.

Яна бир муҳим масала. Бизда тез тиббий ёрдам бригадалари врач, фельдшер ва ҳайдовчидан ташкил топган. Хорижий тажрибада тез ёрдам фельдшери бир вақтнинг ўзида ҳайдовчи ҳисобланади. Шу боис янги ўқув йилидан фельдшерликка ўқиётган ёшлар ҳайдовчиликка ҳам ўргатилиши белгиланди. Бунинг учун тиббиёт коллежларига ҳайдовчилик мактаблари бириктирилади.

Кўрсатилган хизматни беморлар томонидан баҳолаш орқали тез тиббий ёрдам ходимларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади. Бунда ҳар чорак якунида фаолияти беморлар томонидан яхши баҳоланган бригадалар ходимлари ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида мукофотланади.

Мухтасар айтганда, йиғилишда белгилаб берилган вазифалар соҳада тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатининг янада ошишига хизмат қилади.

Ўрол ЎРОЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИДА ОЧИҚЛИК НЕЧОҒЛИ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш якунлари муҳокама қилинди.

Қонун ва ижро

Таъкидланганидек, очиқликни таъминлаш йўналишида вазирлик томонидан бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, интернет ва ижтимоий тармоқларда 2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи чорагида вазирлик раҳбариятининг 150 га яқин чиқишлари ва баёнотлари эълон қилинган, вазирликнинг расмий веб-сайти, телевидение, радио, газета, ижтимоий тармоқ ва мессенжерларга кўплаб ахборотлар жойлаштирилган.

Мажлисда вазирлик, унинг таркибий ва ҳудудий бошқармалари томонидан очиқликни таъминлаш йўналишида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Масалан, вазирлик 2021 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботини жорий йил 1 апрелга қадар жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманини ўтказмаган, вазирлик фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот эълон қилинмаган, вазирлик фаолиятига оид ахборотлар ахборот-кутубхона ва архив фондларига тақдим этилмаган, вазирликнинг “uzedu.uz” расмий веб-сайтини юритиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Қолаверса, вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда очиқ маълумотлар портали (data.egov.uz)да ҳам очиқ маълумотлар эълон қилинмаган.

Таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Андижон, Навоий ва Наманган вилоятлари халқ таълими бошқармалари ҳамда Республика болалар кутубхонаси, Республика таълим маркази, Инновация, технология ва стратегия маркази веб-сайтлари ишлаб туришига қарамасдан, очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифалар умуман бажарилмаган.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятлари халқ таълими бошқармалари ҳамда Психологик-педагогик республика ташхис маркази, Республика “Баркамол авлод” болалар мактаби, “Ўқув-таълим-таъминот” ДУК расмий веб-сайтлари ишламайди.

Шулардан келиб чиқиб, қўмита аъзолари томонидан Халқ таълими вазирлиги ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни ўз муддатида эълон қилиб бориши, фаолият очиқлигини таъминлашдаги камчиликларни бартараф этиши лозимлиги уқтирилди.

Кўрилган масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Давра суҳбати

ИММУНИЗАЦИЯ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Бутунжаҳон иммунизация ҳафталиги муносабати билан “Иммунизациянинг аҳамияти, соҳада эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Эътироф этилганидек, иммунизация, бу жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ўз самарадорлигини исботлаган иқтисодий жиҳатдан фойдали тадбир ҳисобланади. Уни замонавий тиббиётнинг муҳим ютуқларидан бири, дейилса, муболаға бўлмайди. Зеро, дунё ҳамжамияти кўплаб юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда чеклашда эмлаш ва иммунизациянинг аҳамиятини баҳолаш имконига эга бўлди.

Давра суҳбатида сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари, қўмита эксперт гуруҳи аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига қарши эмлашнинг самарадорлиги, иммунопрофилактиканинг стратегик йўналишлари ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилаётган иммунизация тизимини кучайтириш дастурлари сингари масалалар таҳлил қилинди.

Ўз навбатида, соҳадаги мутахассислар учун ажратилган штат бирликлари, кадрлар ҳамда инфратузилма моддий ва молиявий таъминоти, вакциналарни сақлаш ва транспортировкаси бўйича амалга оширилажак вазифалар юзасидан таклифлар билдирилди.

Якунда иммунизация тизимини республикада янада ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚ МУЛОҚОТДА МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПАДИ

Халқ билан мулоқот қилмасдан, одамлар орасига кирмасдан, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юрмасдан туриб, жойларда тўпланиб қолган муаммоларга ечим топиб бўлмайди. Шу боис ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда аҳоли билан учрашиб, мулоқотлар ўтказмоқда.

Халқ вакиллари — ҳудудларда

Парламент қуйи палатаси депутати Одинахон Отахонованинг шаҳрихонлик сайловчилари билан учрашувлари ниҳоятда самарали бўлди.

Хусусан, депутат ҳомийлигида Шаҳрихон тумани Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ёшлари ўртасида мусобақа ўтказилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида О. Отахонова кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Якунда ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Халқ вакилининг Шаҳрихон туман ободонлаштириш бошқармаси ишчи-ходимлари билан учрашуви ҳам қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди.

Очиқ мулоқотлар чоғида фуқаролар туманда бўлаётган ўзгаришларни эътироф этиш билан бирга, айрим муаммолар хусусида ҳам ўз фикрларини билдирди. Депутат ишчи-ходимлар томонидан келиб тушган мурожаатларни ўз назоратига олиб, уларни шу ернинг ўзида ҳал этди.

Аҳоли билан учрашувлар доирасида тадбиркорларнинг ҳам муаммолари ўрганилиб, тегишли тартибда амалий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилди.

Депутат кўмаги

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назир Собиров Олот туманидаги ўрганишларини Солоқоравул маҳалласидан бошлади.

Депутат бу ерда, асосан, “аёллар дафтари”га киритилган 20 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил қилинган каштачилик маркази фаолиятини ўрганди.

Н. Собиров бир йил илгари 10-мактабгача таълим ташкилотида бўлиб, ошхона ва бошқа хоналарни таъмирлаш юзасидан туман мутасаддиларига мурожаат қилган эди.

Халқ вакили бу галги учрашувларини ушбу МТТдан бошлаб, аввалги учрашувда кўтарилган масалалар ижроси билан танишди. Ўрганиш чоғида ошхона, амалий машғулотлар хоналари талаб даражасида таъмирланиб, жиҳозлангани эътироф этилди.

Мактабгача таълим ташкилотининг санитария ҳолати, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва уларнинг берилиш тартиби кўздан кечирилиб, айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Депутат мазкур учрашувлар давомида аҳоли хонадонларида ташкил этилган иссиқхоналар фаолияти билан ҳам танишди. Айни чоғда бундай иссиқхоналарни кенгайтириш, томорқанинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш бўйича мулоҳазалар билдирилди.

Мурожаат уч кун ичида ҳал этилади

Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Мамажонова Фарғона туманида аҳоли билан мулоқот қилиб, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганди.

Хусусан, “Бўстонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда туман Халқ қабулхонаси вакиллари, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда аҳолининг турли мазмундаги мурожаатлари тингланди.

Мулоқотлар чоғида сайловчилар “Бўстонобод” ва “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинларини ўзаро боғловчи йўл ёғинсочинли кунларда мутлақо юриб бўлмас аҳволга келиши, ушбу ҳолат айниқса, шу кўчадан мактабга қатновчи ўқувчилар учун муаммо туғдираётганини билдирдилар. Мазкур масала депутат назоратига олиниб, у уч кун ичида ҳал этиладиган бўлди.

Шунингдек, учрашувда оилавий шифокор пунктини иссиқ сув билан таъминлаш, бинони капитал таъмирлаш масаласи кўтарилди. Бу мурожаат юзасидан кўриладиган чоралар бўйича тез кунларда тегишли ишларни амалга ошириш бўйича сайловчиларга ахборот берилди.

МТМда нима гаплар?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муқаддас Ўрозалиева зоминлик сайловчилар билан учрашуви доирасида “Обиҳаёт” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 9-давлат мактабгача таълим муассасасида бўлди.

Халқ вакили бу ерда тарбияланувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди, муассаса жамоаси билан суҳбат қилди.

Маълум бўлишича, фаолиятини яқинда бошлаган таълим муассасаси 120 ўринга мўлжалланган. Кичкинтойларга 6 нафар малакали тарбиячи таълим-тарбия бериб келмоқда.

Муассаса фаолиятининг йўлга қўйилиши, айниқса, Қарапчи қишлоғи аёлларига катта қулайлик яратди. Чунки олис ва чекка қишлоқ ҳудудида бундай замонавий МТМнинг очилиши қишлоқ аёлларига фарзанд тарбиясидан ортиб ўз устида ишлаш, касб-ҳунар ўрганишига имкон берди. Энг муҳими, болажонлар барча шароитга эга бўлган масканда таълим-тарбия олиб, бошланғич синфда ўқишга тайёргарлик кўрмоқда.

М. Ўрозалиева муассаса фаолияти билан танишиш жараёнида маҳалла раиси, фаоллари ва қишлоқ нуронийлари билан суҳбатлашди. Ҳудудда олиб борилаётган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Бандликни таъминлаш ишлари қониқарлими?

Парламент қуйи палатаси депутати Ақшагул Тулегеновонинг навоийлик сайловчилари билан учрашувлари ҳам қизғин савол-жавоб руҳида, фуқароларнинг фаоллиги остида ўтмоқда.

Халқ вакили учрашувларда аҳолига Қонунчилик палатасида янги қабул қилинган қонунлар ҳақида маълумот берди, фуқароларнинг таклиф ва истакларини тинглади. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда мактаб ҳамда оилавий поликлиникадаги шароитлар билан танишди. Шунингдек, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди. Айни чоғда тадбиркорликка доир қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва янгиликлар, имтиёз ва қулайликлар тўғрисида ҳам маълумотлар айтилди.

Ўрганишлар доирасида депутат Навоий давлат кончилик институтида бўлиб, талаба-ёшлар билан учрашди. Мулоқот чоғида Тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифалар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Хайрли учрашувлар

Қуйи палата депутати Таваккал Чориевнинг Пешку, Ромитан туманларидаги сайловчилари билан мулоқотлари амалий аҳамият касб этаётгани билан эсда қолмоқда.

Жумладан, Пешку туманидаги Навоий, “Қалъа” ва “Маҳалла Миришкор” МФЙ фуқаролари билан бўлган учрашувда фуқаролар ҳудудга табиий газ етиб келмаганини айтиб, бу муаммога ижобий ечим топишда амалий кўмак сўради.

Депутатнинг Ромитан туманидаги “Кўрғон”, “Тарновуд” МФЙ аҳолиси билан мулоқотлари давомида ҳам худди шу каби мурожаатлар келиб тушди.

Т. Чориев ушбу масала юзасидан вилоят “Ҳудудгаз” таъминоти раҳбари билан учрашиб, мазкур маҳаллаларни табиий газ билан таъминлаш чораларини кўрди.

Учрашувларда сайловчилар қонун ижодкорлиги янгиликлари, бир қатор қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, яқинда кучга кирган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудларда очиқ мулоқотлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

САРМОЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК

У НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

1 Келинг, фикримизни кадрлар сиёсатига боғлаган ҳолда, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари, чет эллик инвесторларга яратиб берилаётган қулайликлар хусусида давом эттирсак.

Бугунги кунда инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига кириши ва эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилган омиллар бартараф этилиб, тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратилаётгани бор гап. Масалан, мамлакатимизда очиқлик сиёсатини таъминлаш мақсадида 90 та хорижий давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имконияти берилди. Яна 60 га яқин мамлакатлар фуқароларига енгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти яратилди. Бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон минтақадаги энг очиқ давлат мақомини қўлга киритгани ҳам бугун кўпчиликка яхши маълум.

Хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида демократик қадриятлар қарор топди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, диний эътиқод ҳамда бошқа ҳуқуқлар таъминланмоқдаки, бу Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги имижини мустаҳкамлади, сармоядорларни ўзига жалб эта бошлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон ислоҳотлар йўлидан ортга қайтмайди. Мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилади.

Жумладан, кенг кўламли маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш ва рақамлаштиришни жорий этиш орқали бизнес учун янада қулай шароит яратиш, давлат бошқаруви тизимининг натижадорлигига эришиш эвазига ишбилармон ва тадбиркорларга кўмак берадиган, ихчам ҳамда юқори самарали ҳукумат тизимини ташкил этиш кўзда тутилган.

Давлатнинг иқтисодиётдаги роли камайса...

Дунё давлатлари ўзининг иқтисодиётдаги ролини камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Агар биз ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида социализм тўлқинини кузатган бўлсак, эндиликда давлатлар иқтисодиётда ўз иштирокини мумкин қадар камайтирмоқда, улар бевосита стратегик режалаштиришга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Бугун мамлакатимизда давлат корхоналари сонини қисқартириш ҳақида ғоят оқилона ҳужжат эълон қилинган. Мазкур вазифани эса Давлат активларини бошқариш агентлиги амалга оширмоқда. Бу орқали биз хусусий секторнинг ривожланиши учун кўпроқ имкониятлар бера оламиз. Бу — монополияларга ҳам тегишлидир.

Агар илгари вазият "давлат яхши менежер, кўплаб компаниялар ва ҳатто бутун саноатни бошқариши мумкин", деган тамойил билан оқланган бўлса, ҳозир бутун жаҳонда бошқача тенденцияни кузатиш мумкин. Ушбу тенденциянинг моҳияти шундаки, давлат бозорларни тартибга солиши, бозорда асосий қонун-қоидаларни яратиши мумкин, аммо ҳеч қачон ушбу бозорда хусусий тадбиркорларни сиқиб чиқарадиган давлат корхоналарини яратиши керак эмас. Чунки ушбу давлат корхоналари божхона ва солиқ имтиёзларидан фойдаланадилар, ўз навбатида, бу бозор механизмида бузилишларга олиб келади ва ҳақиқий рақобатни ривожлантиришда салбий таъсир кўрсатади.

Хуллас, бутун дунёда монополия тушунчасидан босқичма-босқич воз кечилмоқда. Ўзбекистонда ҳам мавжуд давлат монополияларининг мақсадга мувофиқлиги масаласи кўриб чиқиляпти.

Давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки камайиб борса, бу хусусий секторнинг ривожланишига ва ўрта синф вакилларининг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг сони кўпайишида катта имкониятлар яратади. Монополиядан имкон қадар воз кечиш масаласи ҳам кун тартибига қўйиляптики, бу ҳам сармоядорлар оқимининг ошиши гаровидир.

Шу нуқтаи назардан, халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари кўмагида давлат активларини хусусийлаштириш орқали 2026 йилга қадар эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳисобидан 25 дан ортиқ фаолият турлари бўйича монополия тугатилади, тижорат банкларида трансформация жараёнлари давом эттирилиб, банк активларида хусусий секторнинг улуши 60 фоизга етказилади. Давлат иштирокидаги корхоналар сонини камида уч баробар қисқартириш кўзда тутилган.

Хорижий сармоядор учун қулай инфратузилма муҳим

Хорижий сармоядор бирор мамлакатда иш бошлашида яратилган қулай инфратузилма муҳим роль ўйнайди. Бу кўпчиликка аён ҳақиқат.

Шунинг учун Ўзбекистонда хорижий инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик механизмини жорий этган ҳолда энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилмани ривожлантириш ва йўл қурилиши соҳаларида умумий қиймати 15 миллиард долларлик 200 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Республикамизда олиб борилаётган солиқ сиёсати ҳам бизнес соҳасини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага камайтирилди. Мол-мулк, шахсий даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари икки баробар пасайтирилди. Шу билан бирга, импорт бўйича 6 мингга яқин бож ставкалари ҳам камайтирилди.

Бундан ташқари, ўтган беш йил ичида 200 га яқин лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки соддалаштирилди. Тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юкини янада камайтириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда давом эттириляпти. Нега?

Сабаби аниқ: Ўзбекистон катта захирага, улкан табиий бойликлар ва инсон ресурсларига эга бўлишига қарамай, мамлакатимизнинг глобал сармоя бозорида рақобатбардошлиги ҳақида сўз кетганда, хорижий инвесторларнинг юртимизга қизиқиши пастлигича қолаётгани маълум бўлади.

Тўғрироғи, сармоядорлар биз билан ҳамкорлик қилиш борасида эҳтиёткорлик билан иш тутди.

Айни пайтда Ўзбекистонга 2-3 йилга келиб-кетадиган хорижий инвесторлар билан ишлаш муҳим эмас. Биз учун доимий ишончли ҳамкорлар, бизнесга янгича ёндашувни олиб келадиган хорижий инвесторлар керак. Бунинг учун мамлакатнинг халқаро майдонда юқори рейтинг кўрсаткичларига эга бўлиши талаб этилади.

Халқаро рейтингда Ўзбекистон ўрни қандай?

Айнан халқаро рейтинг кўрсаткичлари хорижий инвесторларга туртки берувчи омиллардан бири ҳисобланади. "Doing Business" халқаро рейтингига назар соладиган бўлсак, бу рейтингда Ўзбекистон сўнгги беш йилда катта "сакраш"ни амалга оширди. Бизнинг галдаги вазифамиз ушбу рейтинг кўрсаткичини яхшилаб боришдан иборат.

Бу борада Президентнинг 2019 йил 25 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга.

Қарорга биноан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизимини яратиш вазифаси илгари сурилди. Шунингдек, ҳужжатда республикадаги 17 та тадқиқот институтига 17 та халқаро рейтинг бириктирилиб, вазифалар белгиланди.

Кўрсаткичлари бўйича юқори баҳоланган ҳар қандай халқаро рейтинглар самараси сифатида ишбилармонлардан тортиб дунё аҳолиси барча қатламининг эътибори шу мамлакатга қаратилади: инвестициявий муҳит, туризм, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади, бунинг натижасида аҳолининг турмуш даражаси ҳамда фаровонлиги яхшиланади, фуқароларнинг ва инвесторларнинг хавфсизлиги таъминланади.

Халқаро рейтинг ҳамда индексларни фаолият йўналишига қараб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларга ажратиш мумкин. Бунда иқтисодиёт,

ишбилармонлик, бюджет, саноат, инвестиция ва барқарор ривожланиш мақсадларини ижтимоий-иқтисодий соҳага, ҳуқуқ, коррупция, демократия ҳамда бошқарув сифатини сиёсий-ҳуқуқий соҳаларга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Индексни тузувчи халқаро ташкилотлар тегишли даврлар бўйича давлат органлари томонидан эълон қилинган очиқ маълумотлар ҳамда турли халқаро ташкилотлар (World Economic Forum, World Bank, International Monetary Fund, UN, Transparency International ва бошқалар)нинг рейтинг ҳисоботлари натижаларига асосланиб, ҳар йили индикаторлар натижаларини ҳисоблайди ҳамда ўзининг расмий веб-сайтларида эълон қилиб боради.

Эътиборли жиҳати шундаки, юртимизда халқаро рейтинглардаги Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилаш, қулай инвестиция иқлими яратилиши учун хорижий инвесторларга турли молиявий имтиёз ва ҳуқуқлар берилган, бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Шунинг баробарида, коррупцияга қарши курашиш, сўмнинг қадрини кўтариш, мулк дахлсизлигини таъминлаш, инвесторлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашни янада ошириш, банк фоизи ставкаларини барқарорлаштириш, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини илмий асослар бўйича такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга эътибор катта.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ривожланган давлатларнинг тажрибаси, босиб ўтган йўли, иқтисодий ўсишни таъминлаш учун мамлакатнинг инвестициявий муҳитини соғломлаштириш борасида қабул қилган қонунлари, қарорларини ўрганиш, инвестицияларни кенгроқ жалб этиш бўйича ишлаб чиққан усул ва услубларининг керакли жиҳатларини Ўзбекистон шароитига татбиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Зеро, тўпланган тажрибаларнинг мамлакат хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ этилиши, таваккалчиликни пасайтиришга, мавҳумликнинг олди олинишига хизмат қилади.

Галдаги вазифалар янада залварли

Бугун Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилган ислоҳотлар мевасидан баҳраманд бўляпмиз. Иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми 3,5 баробар ошиб, охирги беш йилда уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобидан 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани мамлакатимизда 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилишида муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, электротехника, кимё ва нефть-кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноатлари ва бошқа кўплаб соҳалардаги қайта ишлаш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга эришилди. Экспортнинг йиллик ҳажми эса салкам 20 миллиард долларга етди.

Галдаги вазифа — Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси заминида келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Ислоҳотлар ўзини оқласа, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизга етказилади.

Охир-оқибатда Ўзбекистон 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олиши муқаррар. Бу — мамлакат аҳолисининг фаровонлиги таъминланишининг гаровидир. Асосийси, биз ислоҳотларни бировларга ёқиш учун эмас, энг аввало, халқимиз манфаатлари йўлида амалга оширяпмиз.

Конгратбай ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ҲАРАКАТИ 30 ЁШДА

1 Албатта, шарафли ғалабалар, мураккаб олимпия беллашувларидаги ҳар бир ютуқ туб заминида давлатимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортга, олимпия ҳаракатига берилаётган алоҳида эътибор, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ётганлигини таъкидламоқ лозим.

Байрам тантаналари давомида Миржалол Қосимов 1991 — 2001 йиллар оралиғида, Абдулла Тангриев 2001 — 2011 йиллар кесимида, Оксана Чусовитина 2011 — 2021 йиллар давомида Ўзбекистоннинг энг сермаҳсул спортчилари сифатида тақдирланиши, Ришод Собиров «Олимпия ўйинларида энг кўп медалга эга чиққан спортчи», Равшан Эрматов «Ўзбек спортини дунёга тарғиб қилишдаги хизматлари учун», футбол бўйича 1994 йилги Ўзбекистон миллий терма жамоаси «30 йиллиги энг шонли терма жамоаси», деб топилиб, тақдирланиши ҳам Ватанимиз спорт салоҳиятидан нишонадир.

Бундан ташқари, Миллий олимпия қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси раиси Салим Абдувалиев, дзюдо бўйича Атланта олимпиадаси совриндори Армен Бағдасаров, Токио олимпиадаси ғолиби Улуғбек Рашитов ва бошқаларга тегишли мукофотлар топширилди.

Албатта, юксак ғалабаларга изланувчан, янгиликка интилувчан, талабчан мураббий ва мутахассисларнинг меҳнати, йўл-йўриғи орқали эришилади. Ўзбек олимпиячилари тарихида қўлга киритилган ютуқларда ҳам мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. Шу маънода, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Марат Қурбонов «30 йилликнинг энг совриндор мураббийи», дея шарафланиши Ўзбекистон олимпиячиларининг устозларига, қолаверса бокс мураббийларига кўрсатилган ҳурмат белгиси бўлди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг 30 йиллигига бағишланган кеча ўзбек эстрадасининг ёрқин вакиллари ижросидаги куй-қўшиқлар билан давом этди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Осиё Олимпия кенгаши президенти вазифасини бажарувчи Ража Рандхир Сингх, спортни ривожлантириш вазири Адҳам Икромов, Осиё Олимпия кенгаши вице-президенти Отабек Умаров, Халқаро олимпия қўмитаси вакили Оливе Луис Ниамкей ва бошқа бир қатор хорижий давлатларнинг миллий олимпия қўмитаси раҳбарлари, мамлакатимиздаги спорт федерацияларининг мутасаддилари иштирок этишди.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбири.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ НАМОЯНДАЛАРИ — ҚАШҚАДАРЁДА

1 — Бундай учрашувлар қизиқарли ва мазмунли ўтаётгани бизни ҳам тўлқинлантириб юборди, — дейди Ўзбекистон Кинематография агентлиги бош директори ўринбосари маслаҳатчиси Барно Ўнгбоева. — Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда "Матонат мактаби" деб номланган кўп қисмли фильм асосида мактаб ўқувчилари ўртасида иншолар танлови ўтказяпмиз. Дастлаб туман, кейин вилоят босқичи ғолиблари аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Киноклубларимиз маҳаллабай тарзда энг чекка ва олис қишлоқлар, тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолига фильмлар намойиш этмоқда.

Шаҳрисабз шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган тадбирда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри директори Александр Бекжонов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, педагогика фанлари номзоди Мусаллам Абдужабборова, "Оила ва хотин-қизлар" илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари Ойниса Мусурмонова, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Ихтиёр Отажонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гиёс Бойтоев қатнашди.

Эл суйган санъаткорлар, таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилардан иборат "Маърифат карвони" вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида аҳолига кўтаринки кайфият улашишда давом этмоқда.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

АГРАР СОҲАНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

1 Университетнинг нуфузи ортиши, таълим сифатининг яхшиланиши, халқаро ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши ва назарий билимларни амалиётга тўла жорий этиш учун яратилган қулайликлар, албатта, қисқа вақт ичида ўзининг ижобий самараларини беришига шак-шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, бугун университетимиз янги давр пиллапояларини муваффақият билан босиб ўтмоқда. Ҳозирги кунда Биотехнология кафедрасида 21 нафар малакали ва кўп йиллик тажрибага эга профессор-ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Улар дарс жараёнини илғор педагогик технологиялар асосида университетда қад кўтарган замонавий лаборатория хоналарида халқаро андозаларни фаол қўллаган ҳолда ўтмоқда. "Устоз — шогирд" анъаналарига асосан тизимли иш олиб борилаётганлиги туфайли кўплаб талаба-ёшларимиз маҳаллий, республика ҳамда халқаро танловларда юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Айтиш жоизки, аҳолини арзон ва сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида ва бу йўналишда белгиланаётган вазифалар бевосита университетимиз жамоасига ҳам дахлдордир. Президентимиз раислигида шу йил 16 февраль куни чорвачилик соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам соҳадаги муаммоларга жиддий эътибор қаратилган эди. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, аҳоли кундалик истеъмол харажатларининг 30 фоизини гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари ташкил этади. Охирги уч йилда чорвачилик бўйича чиқарилган қарорларга асосан, 8 турдаги субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратиш йўлга қўйилди. Шу даврда чорвачиликка 15 триллион сўмдан зиёд кредит ажратилиб, 4,5 мингга яқин лойиҳалар амалга оширилди. Наслчилик хўжаликларининг сони уч баравар кўпайиб, 1 минг 414 тага етди. Натижада, 2019 — 2021 йилларда чорва молларининг бош сони 1 миллион 200 мингтага кўпайди.

Лекин иқлим ўзгаришлари, сув ва ер танқислиги, пандемия каби замонамизнинг долзарб муаммолари чорвачиликни изчил ривожлантиришга салбий таъсир ўтказаётгани ҳам бор гап. Хусусан, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида йирик чорвачилик хўжаликлари сони бошқа ҳудудларга нисбатан анча кам. 90 фоиз чорва хонадонларда боқилса-да, кўп жойларда озуқаем таъминоти тизими йўқ. Сўнгги 15 йилда озуқа ер майдони 430 минг гектардан 340 минг гектарга, бир бош қорамолга тўғри келадиган озуқа майдони 50 сотихдан 27 сотихга камайган. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарёда такрорий озуқабоп экин майдонлари 23 минг гектарга қисқарган. Шу боис чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш, ресурс тежовчи технологияларни кенг қўллаш орқали гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлмоқда.

Бу йил чорвачиликда камида 300 минг, қўйэчкичиликда 150 минг, пиллачиликда 1 миллион 200 минг, жами 1 миллион 650 минг аҳоли бандлигини таъминлаш имкони бор. Бунинг учун, аввало, хонадонларда кооперация орқали чорвани кўпайтириш ҳам ана шундай чоралардан биридир. Шу мақсадда қатор молиявий кўмак чоралари белгиланди, яъни жорий йил февралдан бошлаб, хорижий кредитлар 10 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан ажратиладиган, кредит фоизининг 14 фоиздан юқори қисмига компенсация ҳамда кредит суммасининг 50 фоизига кафиллик бериладиган, гидропоника усулида озуқа етиштириш учун ускуналар харажатининг 20 фоизи қопланадиган бўлди.

Эътиборлиси, бу йил соҳада 123 та йирик лойиҳа режалаштирилган. Уларни ўз вақтида ишга тушириш озуқа майдонларини кенгайтиришни талаб этади. Хусусан, ернинг бир қисмини алмашлаб экиш ҳисобига ҳар бир кластерда камида 500 бошга мўлжалланган чорвачилик комплекси ташкил этиш мумкин. Шунингдек, фойдаланишдан чиққан ва янги ерларни ўзлаштириб, чорва боқса бўлади. Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун 120 миллион доллар кредит сифатида йўналтирилиши, субсидия, божхона ва солиқ имтиёзлари берилиши кўзда тутилмоқда.

Соҳага илм ва илғор тажрибаларни жорий этишга Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети масъул этиб белгиланди. Энди институтимиз мақоми оширилди ҳамда унга ветеринария, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тажриба институтлари бириктирилди. Бу муассаса кластерларга амалий ва методологик кўмак бериб, пуллик хизматлар кўрсатади, аҳоли ва фермерларни қисқа муддатли курсларда ўқитади.

Айни чоғда, шу йил 8 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент қарори бу борадаги муҳим ҳужжат бўлди. Қарор билан Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастур

тасдиқланди. Унда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш, чорвачилик ва унинг тармоқлари озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқа ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш каби йўналишларда устувор вазифалар белгилаб берилган.

Жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда сут ишлаб чиқариш ҳажми 11,5 миллион тоннадан 22 миллион тоннага, аҳоли жон бошига эса 336 килограммдан 560 килограммга оширилади. Қорамол гўшти ишлаб чиқариш (тирик вазнда) 1 980 минг тоннадан 2 864 минг тоннага, қўй ва эчки гўшти 400 минг тоннадан 650 минг тоннага, аҳоли жон бошига эса 47,5 килограммдан 69,4 килограммга етказилади. Асосий озуқабоп экинлар ҳосилдорлиги (беда 10 тоннадан 20 тоннага, силос учун маккажўхори 32 тоннадан 70 тоннага) оширилади; озуқабоп экинлар уруғликларини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари сони 320 тадан 400 тага етказилади. Қурғоқчиликка чидамли бўлган ем-хашак ўсимликларини экиш билан тоғ ва тоғолди яйловларининг ҳосилдорлиги 8 центнердан 12 центнерга оширилади.

Дастурда чорвачилик соҳасида наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, суньий уруғлантиришни тизимли йўлга қўйиш бўйича вазифалар белгиланди. Бу борада умумий қорамоллар подасида зотдор ва юқори маҳсулдор наслли қорамолларнинг улуши 9 фоиздан 33 фоизга оширилади. Умумий қорамоллар подасида зоти яхшиланган маҳаллий қорамолларнинг улуши 54 фоиздан 90 фоизга етказилади.

Паррандачилик маҳсулотлари турларини кўпайтириш мақсадида куркачилик, беданачилик, ғоз ва ўрдакчилик йўналишларининг оммавийлигини ошириш чоралари кўрилади. Парранда гўштини ишлаб чиқариш ҳажми 210 минг тоннадан 536 минг тоннага етказилади. Тухум ишлаб чиқариш миқдорини 8,1 млрд. донадан 12,8 млрд. донага, аҳоли жон бошига эса 236 донадан 329 донага ошириш режалаштирилмоқда.

Дастурда балиқчилик тармоғини ривожлантириш масаласи ҳам четда қолмаган. Балиқларнинг янги турларини иқлимлаштириш чораларини кўриш, балиқ маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳиятини ошириш, балиқ етиштириш ҳажмини 400 минг тоннадан 1 миллион тоннага ошириш, балиқчилик хўжаликларида сунъий сув ҳавзалари маҳсулдорлигини гектарига 30 центнердан 150 центнерга етказиш, балиқ етиштиришнинг умумий ҳажмида қимматбаҳо балиқлар (форель, лосось, осётр, тиляпия) улушини 2 фоиздан 10 фоизга етказиш белгиланмоқда.

Аҳамиятлиси, дастурда қатор йўналишларни ривожлантириш чоралари кўрсатиб ўтилган. Хусусан, асал ишлаб чиқариш ҳажмини 25 минг тоннадан 52,5 минг тоннага, қуён гўшти етиштириш ҳажмини 100 тоннадан 23 минг тоннага, аҳоли жон бошига қуён гўштининг истеъмол ҳажмини 3 килограммдан оширишга эришиш кўзланмоқда.

Яна бир маълумот. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2022 йилда чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш учун Жаҳон банкининг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини жалб этиш чоралари кўрилади. Дастурнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан эса парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон ва мўллиги халқ фаровонлигининг асосий омилларидан бири. Шу маънода, ушбу қарор ички истеъмол бозорини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга замин яратади.

Насиба ХЎЖАЕВА,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Биотехнология кафедраси мудири, биология фанлари номзоди, доцент,
Замира РЎЗИҚУЛОВА,
Биотехнология кафедраси катта ўқитувчиси.

ЭЪЛОН

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Ипак Йўли» АИТБ комплекс суғурта (Bankers Blanket Bond) шартномасини тузиш учун суғурта ташкилотлари ўртасида танлов ўтказилишини маълум қилади

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки комплекс суғурта (Bankers Blanket Bond) қилиш бўйича шартнома тузиш мақсадида, суғурта ташкилотлари ўртасида танлов ўтказилишини билдиради.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: 1000170, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй.

Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнгги куни 2022 йил 26 май соат 12.00 гача.

Мурожаат учун телефонлар:
78-140-69-39, 78-140-69-00 (ички. 1255).

Масъул ходим: Жўраев Сарвар
E-mail: s.djuraev@ipakyulibank.uz

Эъзоз

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРА — МУҚАДДАС

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг ҳудудий кенгашлари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашлари томонидан кекса авлод вакилларини қадрлаш, орамизда йўқ инсонларни хотирлаш, инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши томонидан сирдарёлик 50 нафар меҳнат фахрийсининг ҳамда ишлаётган пенсионерларнинг Тошкент шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Мазмунли саёҳат давомида улар Тошкент шаҳрида барпо этилган "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибидаги "Шон-шараф" давлат музейи, шунингдек, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Қуролли Кучлар давлат музейи, Ҳазрати Имом мажмуаси ва Зангиота зиёратгоҳида бўлдилар.

Касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши томонидан турли соҳа ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ички туризмни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Худди шу мақсадларда Рамазон ҳайити муносабати билан берилган қўшимча дам олиш кунларида ходимларнинг ҳордиқ чиқаришини мазмунли ташкил этиш мақсадида Сирдарёнинг Мирзаобод туманидаги 19-давлат мактабгача таълим ташкилотидан 21 нафар ходим учун Самарқанд шаҳрига, 3-давлат мактабгача таълим ташкилотидан 21 нафар ходим учун Хўжамушкент зиёратгоҳига, 22-умумий ўрта таълим мактабининг 21 нафар ходими учун Зомин қўриқхонасига саёҳат ташкил этилди.

Саёҳатлар давомида уларга ўлкамиздаги мавжуд осориатиқалар, тарихий масканлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

* * *

Худди шунингдек, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Наманган шаҳар бўлинмаси кенгаши томонидан сана муносабати билан "Инсон қадри улуғ, дийдор ғанимат, хотира — муқаддас" шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унга отахон ва онахонлар, соҳада узоқ йиллар ишлаб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрий педагоглар, устоз ва мураббийлар таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан меҳнат фахрийлари бугунги кунда мамлакатимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эъзоз ҳамда эҳтиром учун миннатдор эканликларини билдирди.

Шунингдек, тасдиқланган тадбирлар режасига мувофиқ, 130 нафар меҳнат фахрийси ҳамда касаба уюшма фаоллари учун Балиқликўл ва Биби Наима момо зиёратгоҳларига саёҳат ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2022 йил 7 май

ҒАЛАБА БОҒИ — ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ РАМЗИ

1 Ғалаба боғидаги ҳар бир ёдгорлик объекти ва қурилма, музей экспонатлари халқимиз, айниқса, ёшларни урушнинг даҳшатли, фожиавий оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чорлайди. Шу нуқтаи назардан, Ғалаба боғи навқирон авлодларимизни бугунги тинч ва осуда ҳаётни ардоқлаш, мустақилликнинг қадрига етиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, Ватан ҳимоясига ҳамиша тайёр туриш руҳида тарбиялашда улкан аҳамият касб этади.

Ғалаба боғида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши учун барча шароит яратилган. Қолаверса, ушбу масканда зиёратчиларнинг мазмунли дам олиши, оммавий маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун жами қулайликлар муҳайё этилган. Аҳоли ва хорижлик сайёҳларнинг кўнгили сайр этишини таъминлаш учун боғ ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўзига хос дизайнда амалга оширилди. Эътиборли жиҳати, ана шундай улуғвор бунёдкорлик ишлари билан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон халқининг буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссасини янада чуқур ўрганиш, тарғиб этиш борасида ҳам муҳим натижалар қўлга киритилмоқда.

Масалан, яқинда Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан бир гуруҳ мактаб ўқувчилари мажмуада бўлдилар. Ўқитувчилар боғнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳташам ва экспозицияларга бой маскан эканини эътироф этди. Қолаверса, мажмуага Европа, АҚШ, Россия, Туркия ва бошқа қатор мамлакатлардан делегациялар тез-тез ташриф буюришади. Яқинда туркиялик меҳмонлар мажмуа билан танишаркан, Осиё мамлакати бўлган, Европадан узоқда жойлашган Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган улкан ҳиссасидан ҳайратга тушишди.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг ташкил этилиши ортидан олиб борилган изланишлар туфайли шу кунгача ноаниқ бўлган жуда кўп маълумотлар аниқланди. Аввало, халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида қонли жанггоҳларда ва фронт ортида кўрсатган қаҳрамонлиги шу қадар юксакки, фашистларга қарши бу урушда қозонилган буюк ғалабани Ўзбекистонсиз, ўзбек халқисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўша машъум йилларда мамлакатимизда 6,8 миллион аҳоли истиқомат қилган. Яқин пайтларгача уларнинг 1,5 миллионини урушга кетган, деб юрардик. Изланишлардан маълум бўлишича, республикамиз бўйича жами 1 миллион 950 минг 700 киши жанг майдонларида қон кечган. Уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмаган.

Уруш йилларида юртда қолганларнинг аксарияти аёллар, кексалар ва болалар бўлган. Улар ҳам фронт ортида тинимсиз меҳнат қилган. Яна минглаб уруш қатнашчилари Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволанган. Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1,5 миллион киши, жумладан, 250 мингдан зиёд болалар эвакуация қилинган. Халқимиз уларга ўз уйидан жой бериб, сўнгги бурда нонини ҳам бирга баҳам кўрган. Мана шу факт ва рақамларнинг ўзи ҳам Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабада халқимизнинг беқиёс ҳиссасини намоён этиб турибди.

Шу вақтга қадар ўзбекистонлик ўғлонларнинг урушдаги қаҳрамонликлари ҳақида ҳам камтарлик билан айтиб келинди. Олиб борилган илмий изланишлар туфайли жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган юртимиз вакилларининг сони бўйича ҳам ойдинлик киритилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, шу пайтга қадар бу кўрсаткич 120 минг нафар, деб қайд этиларди. Янги маълумотларга асосан, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 301 та экани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Боз устига, уруш кечаётган юртлардан республикамизга 104 та эмас, 176 та корхона эвакуация қилингани, ўзбек аҳли фронтга маҳаллий завод ва корхоналарда ишлаб чиқарилган 2 мингдан зиёд самолёт ва оғир қуроллар етказиб бергани ҳам аниқланди. Мухтасар айтганда, Президентимизнинг фидойилиги ва ватанпарварлиги билан тарихий адолат тикланмоқда. Ўзбек халқининг жасорати ҳанчалик буюк эканини тарих исботламоқда.

Ғалаба боғи ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва маҳобатли обидадир. Бу маскан Россия, Беларусь, Украина, Австрия, Польша, АҚШ, Исроил каби давлатлардаги улкан мемориал мажмуаларга мутлақо ўхшамайди. Ушбу мемориал мажмуада ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидаги жасорати ва фронт ортидаги матонати кенг кўламда, ҳаққоний ва адолатли равишда кўрсатиб берилган. Бу — Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган неча минглаб ватандошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дамларда ҳам ўзлигини асло йўқотмаган, иймони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш Ўзбекистонда олий даражадаги миллий қадриятга, давлат сиёсатига айланганининг ўзига хос ифодасидир.

Ғалаба боғи таркибида “Матонат мадҳияси”, “Мангу жасорат” ва “Кўз ёши” монументлари, “Шон-шараф” давлат музейи бунёд этилган. Халқимизнинг қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишланган кенг кўламли тарихий-бадиий экспозициялар яратилган. Шу ўринда Ғалаба боғи таркибидаги ҳар бир ёдгорлик ўзига хос фалсафий-тарихий ва бадиий-меъморий ечимга эга эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

“Матонат мадҳияси” — Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал. Аввало, халқини севган, унинг тарихи ва дардини чуқур англаган давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан Ғалаба боғининг қоқ ўртасида “Матонат мадҳияси” деб аталган муаззам обида она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Мазкур ёдгорлик мажмуаси қандайдир бадиий образ эмас, унга ҳаётда бўлган воқеа эмас қилиб олинган. Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшаган Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан жудо бўлган. Унинг тўрт нафар келини бева, беш набираси эса етим бўлиб қолган. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўрнак олиб, ўз оиласига содиқ қолган ва бошқа турмуш қурмаган. Иккинчи жаҳон урушида бир хонадондан беш нафар фарзанд урушга кетиб, ҳеч бири қайтмаган оила дунёда учта бўлиб, иккитаси Беларусь ва АҚШда, яна бири Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова оиласидир. 2019 йили Хотира ва Қадрлаш кунида давлатимиз раҳбари Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатиш ҳамда унга “Матонат мадҳияси” деб ном бериш таклифини билдирган эди. Бу ташаббусни жамоатчилигимиз қизғин қўллаб-қувватлади. Монумент ўзбек аёлининг адоқсиз меҳр ва бардоши, садоқати ва матонати рамзидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, **бу — Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал. Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун қутлуғ зиёратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садоқат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллатимизнинг қонида бўлган фазилатларни англаб, уларни қадрлаб яшашга интилади.**

Яна бир маълумот. Мажмуада Иккинчи жаҳон урушига бир оиладан икки ва ундан ортиқ, тўрт ва беш нафардан фарзанди кетган ва урушдан қайтмаган 300 дан зиёд оилалар ҳақида маълумотлар тўпланди. Айни пайтда архив маълумотларини бойитишда давом этяпмиз. Урушда ҳалок бўлган ҳар бир ўзбекистонлик — Ватанимиз фарзанди эди. Уларни ёддан чиқаришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Истиқлол йилларида 35 жилдлик “Хотира” китоби чоп этилган бўлиб, унга 400 мингдан зиёд юртдошларимизнинг номи битилган. Мажмуамиз ходимлари томонидан 1 миллион 950 минг 700 кишидан зиёд барча уруш иштирокчиларининг исми ва шарифи, уларнинг қаҳрамонликлари киритилган 21 томлик китобни чоп этиш арафасидамиз. Бу борада вилоятма-вилоят, туманма-туман қаттиқ меҳнат қилинди. Яқин ойларда китоб нашр учун тайёр бўлади.

Бу нима учун муҳим? Гап шундаки, “Халқ қаҳрамонларини унутмайди” деган нақл бор. Аммо аввал ўша қаҳрамонлар кимлигини ҳам билиш жоиз. Очиғи, кейинги йилларда атай мум тишлаганимиз, бу урушнинг тафсилотларидан кўз юмганимиз ҳам бор гап. Ҳатто ўзимизнинг қаҳрамонлари ҳам гапирмай келганимизнинг аччиқ ҳосиласи бу. Шу ўринда, Президентнинг яна бир фазилатини эслаб ўтишни жоиз деб билдим, бу — кенгфеъллик ва кенгфикрлилик. Айтиш жоизки, узоқ ва сирли тортишувлар ортидан Иккинчи жаҳон урушинигг буюк ва жасоратли қаҳрамони Собир Раҳимов номи юртимизда тилга олинмай қолган, ҳатто унинг пойтахтдаги ҳайкали ҳам олиб ташлангани кўпчиликнинг ёдида. Албатта, бу тарихга, тарихий хотирага нисбатан ҳурматсизлик эди. Шавкат Мирзиёев яқин ўтмишдаги шу хатони тўғрилади. Собир Раҳимов номи юртимизга қайтди. Президентимиз ғояси асосида бунёд этилган “Мангу жасорат” монументи тимсолида ана шуларни англаймиз. Бу монументга назар солган киши афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий қўмондонларимиз, ўзбекистонлик ботир жангчиларнинг хотираси эл учун сўнмас бўлишини тушуниб етиши аниқ. Генерал-майор Собир Раҳимов ҳайкали ёдгорликнинг марказидан жой олган бўлиб, атрофида 14 нафар қаҳрамон жангчимиз турли кўринишларда гавдалантирилган. Ёдгорлик доира шаклида бунёд этилгани туфайли унга қайси томондан қаралишидан қатъи назар, халоскорларимизнинг сиймоси юзмаюз кўринади.

Боғ таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейи энг гўзал ва пухта ишланган лойиҳалар асосида бунёд этилди. Музей экспозициясини шакллантиришда фахрийларимиз, тарихчи олимларимиз, иждодкор зиёлилар, ҳайкалтарошлар, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларига таянилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **бу музейнинг пайдо бўлиши адолатнинг тикланиши демакдир. Тарихимизнинг бир қисми бўлган уруш воқеаларини бир жойда намоён этадиган бундай маскан йўқ эди. Бу ишлардан мақсад-муддаоимиз — халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага қўшган буюк ҳиссасини тарихга муҳрлаб қўйиш, ёш авлодларга етказиш. Юз йиллардан кейин ҳам одамлар келиб, уруш воқеалари ва оқибатларини, тинчлик қадрини билиши керак.**

“Шон-шараф” давлат музейининг зинапоя орқали чиқиб бориладиган юқоридаги майдончасидан Ғалаба боғи манзараси тўлиқ ва яққол кўриниб туради. Музейни барпо этишда энг замонавий мультимедиа технологиялари, рангли ва оҳангли инновацион жиҳозлардан фойдаланилган. Беш бўлимдан иборат залларда Ўзбекистон халқининг жанггоҳлардаги жасорати ва фронт ортидаги матонатига доир кенг қамровли экспонатлар жамланган. Шунингдек, атоқли адиб ва олимларимиз ҳамда уларнинг Ўзбекистонга эвакуация қилинган ҳамкасбларига тегишли илмий тадқиқотлар, машҳур адабий асарлар ва санъат намуналари, тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар билан танишиш мумкин.

“Кўз ёши” монументи тубсиз гирдоб шаклида ишланган. Бунда даҳшатли уруш қанчадан-қанча инсонларни миллати, дини ва жинсидан қатъи назар, абадулабад ўз домига тортиб кетгани тасвирланган. Мусулмон, насроний, яҳудий каби турли динларга мансуб инсонлар хотирасига ўрнатилган қабртошлар урушда ҳалок бўлган ва йўқсизлик сари йўл олган саф-саф аскарларга ўхшайди.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси замонавий меъморий обида ҳисобланиши бежиз эмас. Биз ушбу муҳташам мажмуа таркибидаги атиги бир нечта асосий ёдгорлик монументларини санаб ўтдик, холос. Аслида, Ғалаба боғи ҳудудида бир-биридан гўзал, бетакрор ва таъсирчан меъморий ёдгорликлар жуда кўп. Хусусан, Ғалаба боғига кириладиган асосий йўлнинг икки четидан 10 та барельеф, яъни деворга ишланган бўртма нақшлар жой олган. Бу нақшлар ўзбек халқининг 1941 — 1945 йиллардаги жасоратли ва матонатли ҳаёти ҳақида битилган ўзига хос ноёб китобга ўхшайди. Унинг ҳар бир нақшинкор саҳифаси ҳаяжонли тасвирларга бой.

Мажмуанинг “Уруш” ҳудуди қисми ўша даврнинг ҳимоя ҳандақлари (окоп, траншея), жанговар техника, қақшатқич отишмаларни акс эттирадиган турли тасвирлардан иборат. Уруш қиёфаси танклар, танкларга қарши махсус металл қурилмалар, парвоздаги ва қулаб тушган самолётлар тимсолида гавдалантирилган. Айниқса, ҳимоя хандақларининг учта танк остида қолган қисмидан ўтаётганда, ҳар қандай инсон бу “темир сандиқ”лар остида мажақ бўлиш таҳдидини ич-ичидан ҳис этади ва урушнинг нақадар даҳшатли эканини яққол тасаввур қилади. Иккинчи жаҳон урушининг ўта даҳшатли дамларини кўрсатиб бериш учун Ғалаба боғида “Концлагерь” ёдгорлиги ҳам бунёд этилган. Унда 1942 йили Смоленскдаги қақшатқич жангларда мардларча курашган ва асирга олиниб, фашистларнинг Нидерландиядаги “Амерсфорт” концлагерига ташланган 101 нафар ўзбек жангчисининг фожиали қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

Хуллас, Ғалаба боғи қаҳрамон аждодларимизнинг муносиб номларини қайта тиклаш, абадийлаштириш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим бадиий-кўргазмали воситаси, шунингдек, уруш асоратларини ҳеч қачон унутмасликка мангу чорлов ҳисобланади.

Бугун халқимиз Президентимиз бошчилигида янги Ўзбекистонни барпо этмоқда. Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар ҳар биримиздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни, ҳамжиҳатликни талаб этмоқда. Бу жараёнда тинчлик ва осойишталикни асраш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни кучайтириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, бу эзгу ғоялар минтақамизда тинчлик ва хавфсизлик, барқарорлик давомийлигининг кафолатидир. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳам ана шу ҳақиқатни инсонларга уқтириб турибди.

Шуҳрат ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг маданий ишлар бўйича маслаҳатчиси, полковник, «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси бошлиғи.

УМРИ УЗАЯЁТГАН КЕКСАЛАР

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар топшириш, фронт ортида меҳнат қилган инсонлар ҳамда ёлғиз яшаётган, ўзгалар парваришига муҳтожлар ҳолидан хабар олиш яхши анъанага айланган.

Эҳтиром

Ўрта Чирчиқ туманининг Ўртасарой қишлоғида умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Муҳиддин Дусанбоев бу йил ўзининг табаррук 97 ёшини нишонлади. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан туман ҳокими ва фаоллар отаҳоннинг хонадонида бўлиб, унга Президентимизнинг жорий йил 29 апрелдаги Фармонига мувофиқ, 15 миллион сўм пул мукофоти ва совғалар топширди.

— Кексайганингда фарзандлар эъзозида юриш бир неъмат бўлса, давлатимизнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиш янада улкан бахт экан. — дейди Муҳиддин ота. — Бундай эътибор ва эъзоз учун Президентимиздан ниҳоятда миннатдормиз.

Муҳиддин Дусанбоев 1943 йилда кўплар қатори Иккинчи жаҳон урушига сафарбар қилинди. У Польша, Украина, Беларусь фронтларида кечган қақшатқич жангларда қатнашди. Унинг кўксини тўлдирган юксак нишонлар жангларда кўрсатган ана шу жасорат ва қаҳрамонликлар тимсолидир.

Муҳиддин Дусанбоев урушдан кейин Ўрта Чирчиқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. 1956 йилдан хўжаликда механик, механизация ўқитувчиси бўлиб фаолият кўрсатди. 1968 — 1993 йилларда собиқ Свердлов жамоа хўжалигига, “Ўртасарой” қишлоқ фуқаролар йиғинига раҳбарлик қилди.

Муҳиддин ота бир умр ҳалол ишлаб, амалда ҳам ҳалол яшашни тарғиб этди. Оилада 4 нафар фарзанд тарбиялаб, элга қўшди, ҳозирги кунда невара-чеваралари билан бахтли ҳаёт кечирмоқда.

«Халқ сўзи».

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Ҳикоя

— Менинг ёлғиз тоғам бундан эллик уч йил бурун, йигирма бир ёшида урушда бедарак йўқолган эди.

Онам бу воқеани ҳар сафар йиғлаб эсларди.

Айтишича, отаси — Уммат тақачи хотини Руқия билан ўн икки фарзанд кўрган. Болаларининг бири чечакдан, бири қизамиқдан, яна бошқалари ичтерлама, зотилжамдан ўлиб, Раҳматулла деган бир ўғил, Ҳакима, Салима, Карима (менинг онам) деган уч қиз омон қолган.

Тоғам урушдан олдин Тошкентда педтехникумни тугатиб, Наманганнинг Косонсой туманига ўқитувчи қилиб ишга юборилган экан.

Бир йил ишлаганидан кейин уруш бошланиб, армияга чақирилади. Фронтга жўнаб кетиш арафасида тоғамдан бир телеграмма келади. Унда эртага кечқурун соат еттида биз ўтирган поезд Тошкент вокзалида ўттиз беш минут тўхтаб ўтади, чиқсанглар, хайрлашиб қолишимиз мумкин, деб ёзилган экан.

Бувим бечора эрталабдан елиб-югуришга тушади, қаердандир бир кафт буғдой ун топиб, нон ёпади, боламнинг насибаси, деб бир товоқ ош дамлайди.

Бобом бувимни, иккала холамни, тўққиз яшар онамни олиб, Пискентдан эшак-аравада йўлга чиқади. Бахтга қарши, йўлда араванинг ўқи синиб қолади. Бир амаллаб тузатиб, вокзалга етиб келиб қарашсаки, поезд ўн минут олдин жўнаб кетган экан.

Биринчи йили тоғамдан уч-тўртта хат келади. Қирқ иккинчи йилнинг қаҳратон қишида Сталинграддан юборилган хат охиргиси бўлади. Бу хатда тоғам, жангга кириб кетаётибмиз, деб ёзган экан. Бир ойча ўтиб, командиридан, “Бедарак йўқолди”, деган хабар келади.

Бобом, бувим, холаларим — ҳаммалари шунга ҳам шукр қилишади. Ишқилиб, ўлди, демабди-ку, зора тирик бўлса, бир кун келиб қолар, деб, кунларни ойларга, ойларни йилларга улаб яшайверишади.

Аммо уруш тугаб, орадан ўн йил, йигирма, ўттиз, қирқ йил ўтса ҳамки, тоғамдан дом-дарак бўлмайди. Дастлаб, тоғамни кутавериб, кўзлари тешилган Уммат бобом, саксондан ошиб Руқия бувим, олтмишнинг нари-берисида Ҳакима холам билан Салима холам вафот этишди.

Ана шу катта бир оиладан ёлғиз ёдгор бўлиб қолган онам кексайган чоғида акасини йўқлаб тинимсиз йиғлайдиган одат чиқарди.

— Мана, телевизорларда кўрсатяпти, тоғангга ўхшаб бедарак кетганларни болачақаси излаб топаётган экан. Сен ҳам у ёқ-бу ёққа ёзиб суриштирсанг-чи, ахир. Ўзим ёзай десам, ўрисчани билмасам...

Бу вақтда мен энди университетни тугатиб, тумандаги “Пахтакорлар овози” газетасида ишлаётган эдим. Майли, кейинчалик армон бўлиб қолмасин, деб суриштиришга ахд қилдим.

— Тоғамдан қанақа ҳужжатлар қолган ўзи? — деб сўрадим.

Онам бечора, худди ҳозир акаси топилиб, эшикдан ўз оёғи билан кириб келадигандек, сўниб кетди.

— Умрингдан барака топ, болам. Ҳамма қоғозлари Салима холангнинг уйида турарди. Абулқосимдан сўрасанг, топиб берса керак. Ўша “Бедарак йўқолди” деган хат ҳам шу холангнинг номига келган. Чунки Салима опам у пайтда сельсоветда секретарь бўлиб ишларди. Конверти йўқ, устида иккита думалоқ печати бор, учбурчак хат эди, мен ҳам кўрганман. Акамнинг командири бизга, Раҳматулла дўстимни албатта қидириб топамиз, лекин сизлар ҳам яхши ишланглар, ҳам яхши ўқинглар, деган гапларни ёзган эди.

“Э, сен қандай журналист бўлдингки, шу пайтгача оилавий тарихингга бир қизиқиб қўймаган бўлсанг”, деб ўзимни ўзим қойиб, Салима холамнинг уйига жўнадим.

Холаваччам Абулқосим акани танийсиз, молияда ишлайди, хат-ҳужжатга пухта одам. Гапимни эшитиб, мени тўғри уйининг подвалига олиб тушди. Ўрин-кўрпа, эски яшиклар, майда-чуйда нарсалар қалашиб ётган подвалнинг бурчагида Салима холамдан қолган кўҳна бир сандиқ турарди. Абулқосим акам қаердандир калит топиб, сандиқни даранглатиб очди, ичидан сарғайиб, тўкилай деб турган бир папкани олиб, қўлимга тутқазди. Ишга шошаётган экан, кейин гаплашармиз, деб жўнаб кетди. Ёлғиз қолдим.

Папканинг чангини қоқиб, ичидаги қоғозларни синиқ хонтахта устига ёйиб, кўздан кечира бошладим. Нималар йўқ эди буларнинг ичида! Холамнинг саккизта боласининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари, раҳматли Афзал поччамнинг ҳарбий билети, эски заёмлар, қирқинчи йилларга оид яна қанақадир қоғозлар, ҳар хил оқ-қора суратлар...

Унниқиб кетган бир фотосуратдан сержант формасидаги, дўнг пешона, қийғоч кўзлари чарақлаган, барваста бир йигит тик қараб турибди. Суратнинг орқа томонига кўк сиёҳқалам билан: ***“На долгую память любимой сестренке Салиме от брата Рахматуллы.* 23 ноября 1941 года”,** деб ёзилган эди.

Суратга узоқ тикилиб қолдим.

Онам эллик йилдан буён зор-интизор кутаётган, бедарак йўқолган тоғам мана шу одам экан-да...

Чамаси, фронтдан жўнатиладиган ҳар қандай хат-хабар ҳарбий цензура назоратидан ўтказилган бўлса керакки, тоғам олис Сталинграддан Пискентдаги синглисига юборган суратига рус тилида дастхат битган эди.

Қоғозларни титкилашда давом этдим.

Папканинг тагидан яшил духобага ўралган бир қоғоз чиқди. Секин очиб қарадим.

Бу ўша — онам айтган, конверти йўқ, устида иккита думалоқ печати бор, учбурчак хат эди. Ўқидим-у, лолу ҳайрон бўлиб қолдим. Кўзларимни ишқалаб, яна ва яна ўқидим. Кейинчалик ҳам қайта-қайта ўқиверганимдан, ишонсангиз, хатда аниқ-равшан қилиб битилган сўзлар нуқта-вергулигача менга ёд бўлиб кетди.

“Уважаемая Салима Умматова! — деб ёзилган эди хатда. — ***С глубоким прискорбием сообщаю Вам о том, что Ваш брат, сержант Рахматулла Умматов героически погиб при штурме 489-й высоты под Сталинградом. Мы с боевыми товарищами похоронили его с воинскими почестями.***

Сержант Рахматулла Умматов был мужественным, храбрым бойцом, настоящим патриотом. Он с честью выполнил свой воинский долг. Мы отомстим за его смерть! Память о боевом друге Рахматулле Умматове навсегда сохранится в наших сердцах.

Желаю Вам и Вашим близким терпения и стойкости. Крепитесь. Учитесь хорошо, трудитесь во имя нашей Победы.

С уважением,

Командир 283-го стрелкового батальона майор Г. Чиладзе.

18.02.1942. Сталинград”.

Дувиллаб ёш оқаётган кўзларимга ишонмасдан, хатни яна такрор ўқидим:

“С глубоким прискорбием сообщаю...”

Демак, Раҳматулла тоғам қирқ иккинчи йил февраль ойида ҳалок бўлган экан-у, биз шу пайтгача...

Наҳотки, шунча йиллар мобайнида бу ҳақиқатни биронта одам билмаган бўлса?! Дейлик, Салима холам дастлаб буни бобом билан бувимдан яширган бўлиши мумкиндир, лекин нега кейинчалик Ҳакима холам билан онамга бор гапни айтмаган?

Ёки бу машъум хатни олиб келган почтальон (унинг кимлигини энди мутлақо аниқлаб бўлмайди) саккиз фарзандини қора тупроққа берган, ёлғиз ўғлидан ҳам жудо бўлган чол-кампирга азаройи раҳми келганидан мактуб мазмунини ўзича “таржима” қилиб берганмикан?

Надоматлар бўлсинким, энди буни билгувчи бирон кимса йўқ. Фақат акасининг урушда бедарак кетганига ишониб, умр шомини ҳамон умидворлик билан ўтказаётган менинг кекса онам бор, холос.

Абулқосим акамнинг нимқоронғи подвалида танҳо ўтирганча, қўлимдаги қорахатга тикилиб узоқ ўйладим.

Ярим асрдан зиёд пинҳон бўлиб келган бу ҳақиқатни ошкор этиш — кекса онамнинг умидини сўндириш билан баробар эди. Одам сўнгги умиди сўнганида ўлади.

Тоғамнинг урушда бедарак йўқолгани — Уммат тақачи хонадонида туғилган, йиллар оша сайқал топиб, милтиллаган учқуни билан неча-неча дилларга умид бахш этиб келган бир афсона эди. Бир афсонаки, ҳақиқатдан кўра юз марта кучли, ҳақиқатдан кўра юз карра қадрли эди. Бас, эллик йил бардавом яшаган бу афсонани ёлғонга чиқаришга мининг ҳаққим борми?

Қорахатни костюмимнинг чўнтагига авайлаб жойладим.

Абулқосим акамнинг ишхонасига бордим.

— Сиз тоғамнинг бедарак йўқолгани ҳақидаги хатни кўрганмисиз? — деб сўрадим.

Холаваччам столи устидаги ҳужжатлардан бош кўтариб, менга ҳорғин тикилди.

— Шахсан мен кўрган эмасман. Лекин онам раҳматлидан ҳам, отам раҳматлидан ҳам кўп эшитганман, қирқ иккинчи йили шунақа хат келган экан. Нимага керак бўлиб қолди?

— Мақола ёзмоқчиман, — деб гапни қисқа қилдим.

Авлодимиз серуруғ — холаваччаларнинг ўзидан ўн саккизта. Ҳаммадан сўраб чиқдим — ҳаммаси тоғамнинг бедарак йўқолганини тасдиқлади. Ҳайратим баттар ошди. Наинки, уларнинг биронтаси шу хатни кўрмаган, ўқимаган бўлса?

Урушдан кейин орган ходимлари бедарак йўқолган жангчиларни сўраб-суриштириб, уларнинг уйларига, қариндош-уруғлари олдига келиб юрганлиги яхши маълум. Бироқ Раҳматулла Умматовнинг хонадонига бу масала бўйича ҳеч ким келмаган. Демак, ҳукумат идоралари унинг урушда ҳалок бўлгани тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлган.

Кечқурун онамнинг ҳузурига кирдим.

— Ойи, тоғамнинг ҳамма ҳужжатларини кўриб чиқдим. “Бедарак йўқолди”, деган хат ростдан ҳам келган экан... — дедим тутилиб. — Охирги хизмат қилган ҳарбий қисмининг адресини ҳам топдим. Москва атрофида Подольск деган шаҳарча бор, шу ерда СССР Мудофаа вазирлигининг марказий архиви бор. Ана шу архивга хат ёзаман. Қани, бир суриштириб кўрайлик-чи.

Онам яна кўзига ёш олиб, мени узоқ дуо қилди.

— Топилармикан, ишқилиб? — деб сўради илинж билан.

— Эй, ойи, бу урушда нималар бўлмаган дейсиз, — дедим кўзимни олиб қочиб. — Биров ярадор бўлган, биров асир тушиб қолган. Кимдир урушдан кейин бошқа мамлакатга ўтиб кетган. Кўпчилиги ўзининг дарагини билдиришга қўрққан. Совет ҳукумати уларни “сотқин” деб қамаб юборган. Энди, оғир йиллар, ҳар хил воқеалар бўлган-да, ойи.

— Чиқмаган жондан умид, зора дараги топилса, — деди онам. — Майли, кўрми, чўлоқми, ўрис ё немисга уйланганми, ишқилиб, омон бўлса, бас.

Юрагим эзилиб, бош ирғаб қўйдим.

Орадан ойлар, йиллар ўтди.

Онамнинг саволларига жавобан ҳар сафар турли баҳоналар тўқирдим. Бир гал: “Подольскдан хат келди. Улар мининг сўровимни, Сталинградни ҳозир Волгоград дейди, ўша ёққа юборибди”, десам, кейинги сўраганида, “Тоғам хизмат қилган ҳарбий қисмининг архиви урушдан кейин Украинага бериб юборилган экан, қидиришяпти”, деб қутулардим.

Бошқа бир сафар: “Тоғамнинг ҳужжатларини чет давлатлардаги элчихоналаримизга юбориб суриштиришмоқчи”, деган гап-сўзлар билан овутардим.

Охири, бундай ёлғончилик жонимга тегиб, Волгоградга бориш, сержант Раҳматулла Умматов жанг қилган жойлардан унинг қабрини излаш фикрига келдим. Жуда бўлмаганда, у ердан бир кафт тупроқ олиб келиб, онамга ростини айтмоқчи ҳам бўлдим. Аммо бу орада СССР тарқаб кетди, йўллар бекилиб қолди, тирикчилик оғирлашиб, ниятимни амалга оширишнинг иложи бўлмади.

Ниҳоят, “бедарак йўқолган” ёлғиз акасини кута-кута, онам бу фоний дунёдан кўз юмди.

Лекин жон бераётганида ҳам умидини узмади. Рози-ризолик тилаш учун сўнгги бор олдига кирганимда кўзларини каттакатта очиб менга термилди. Унсиз нигоҳидан **“Тоғанг келдими?”** деган бир саволни ўқдим.

Онамни чиқаришдан олдин қариндош-уруғимизнинг катталари, масжидимизнинг имомига бор ҳақиқатни ошкор қилдим.

Маслаҳат билан, онамга қўшиб, бундан эллик уч йил бурун урушда ҳалок бўлган тоғамга ҳам жаноза ўқитиб, таъзия очдик.

Мухтор БАҲОДИРОВ,
журналист, 65 ёш.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 218 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6